

бўлган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўрта Осиё ва Қозғистондан мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск ва бошқа худудларига юз минглаб кишилар меҳнат фронтига жалб этилди. Улар мислсиз оғир қийинчилик ва очарчилик шароитида фронт талабини қондириш, душман устидан ғалаба қозониш учун қурол-аслаҳа, ўқ-дори, қийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда улкан қаҳрамонлик ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилдилар.

2020 йилда Ўзбекистонда нашр қилинган китоб-альбомда келтирилишича, ҳақиқатдан ҳам, 1941-1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган [8:180-181].

1943 йили РСФСРнинг 14 область, 4 автоном республикаси ва Красноярск ўлкасида 60 минга яқин ўзбеклар ишлаган.

Урал ва Красноярскда фидокорона меҳнат қилган

Адабиётлар

1. Кириллова А.Д. Урал: век дватцатый. Люди. События. Жизнь. Очерки истории. –Екатеренбург: 2000.
2. ГАРФ. (Государственный архив Российской Федерации) Ф.9414. Оп. 1с. Д.1169. Л. 6-6 об; Гончаров А.Г. Категориальный состав «трудовой армии» на Урале в годы Великой отечественной войны. Вестник Челябинского государственного университе-та. 2011. № 34 (249). История. Вып. 48.
3. РГАСПИ. (Российская государственная социально-политическая история) Ф.644. Оп. 2.Д.138.Л.70-74; Антүфьев А.А. Уралская промышленность накануне и в годы Великой Отечественной войны. –Екатеренбург: 1992. – С. 266; Оразов К. Рабо-чий класс Казахстана в годы Великой Отечественной войны. -Алма-Ата: 1975. – С. 45; Хусенов К. Патриотический труд рабо-чих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной войны // материалы XXIII научной конференции профес-преп. состава. -Самарканд: 1966, – С.23; Урал-фронту. -Москва: 1985.
4. Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси. 1941-1945. Китоб-альбом. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020.

Мақолада Иккинчи Жаҳон уруши даврида Уралда кўп меҳнат қилган ва Ғалабага муносиб ҳисса қўшган ўзбек "қуролсиз аскарлари" нинг ижоди, турмуш тарзи ва тақдири ҳақида ҳикоя қилинади

РЕЗЮМЕ

В статье рассказывается о творчестве, образе жизни и судьбе узбекских «безоружных солдат», которые много работали на Урале в годы Великой Отечественной войны и внесли достойный вклад в Победу.

РЕЗЮМЕ

SUMMARY

The article describes the creativity, life and the destiny of the Uzbek "unarmed soldiers" who worked a lot in the Urals during the World War II and made a worthy contribution to the Victory.

ЎРХУН-ЕНИСЕЙ ЁЗУВЛАРИ МОҲИЯТИНИ ТАЛҚИН ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Н.А.Назаров - фалсафа фанлари доктори, сиёсий фанлар доктори, профессор

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Таянч сўзлар: Ўрхун-Енисей ёзуви, қадимги турклар, турк рунологияси, тарихий тафаккур, тошбитиклар, мерос, туркий тил, маданият, анаъана.

Ключевые слова: Орхоно-Енисейская письменность, древние тюрки, тюркская рунология, историческое мышление, надписи, наследие, культура, традиция.

Key words: Orkhon-Yenisey writings, ancient Turkic people, Turkic runology, historical thinking, inscriptions, heritage, the Turkic language culture, traditions.

Қадимги туркий ёзув Ўрхун-Енисей ёзуви сифатида - Марказий Осиёда милоднинг VI-VIII асрларида туркий тиллардаги сўзларни ифодалаш учун қўлланган ёзув шакли, деб айрим манбаларда аталсада, ёзувнинг тадрижий босқичи милоддан аввалги IV-III-асрларга бориб тақалади. Бу ёзув сиёсий-ҳарбий жараёнларда етакчи қабила диалекти сифатида ўша даврдаги давлат тили, яъни адабий тил мақомида бўлганлиги ва туркология фанига Ўрхун-Енисей ёзувлари тили деб танилганлиги билан аҳамиятлидир. Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари асосан эпиграфия сифатида, тошбитиклар ҳолатида Марказий ва Ўрта Осиё, жумладан шарқий Туркистон, Сибир, Олтой ва Мўғулистон худудида яратилган бўлиб, ушбу ёзувлардан олдинги ўрта асрларда Шарқий ва Ғарбий турклар, турғешлар, қарлуклар ва уйғурлар томонидан фойдаланилган. Қадимги турк ёзувларидан хонлар, сардорлар, қабила бошлиқлари, қаҳрамонлар ва турли мансабдорлар қабрлари устига тикланган устунларда, тошларда, метал идишларда, кулолчиликда ва бошқа майда буюмларда ва, ниҳоят, кейинги давр қўлёзмаларида намуналар сақланиб қолган.

Туркий маданиятнинг илк намуналари - Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликларининг тарихий моҳиятига

ишчилар орасида Ақром Ортиқов режани 140 фоизга, Рустам Турдиев, Ҳасан Тўхтабоев 150 фоизга, Убайдулла Ҳайдаров 200 фоизга бажарган. Ўзбекистонлик Мардон Носир ва Мамат Эргашевнинг меҳнатдаги жасоратлари “За тяжелое машиностроение” газетасида ёритилган.

Уруш йилларида Архангельскда меҳнат фронтида хизмат қилган Райимкул Назаров “За доблестный труд” медали билан тақдирланган.

Иркутск областидаги 4-қурилиш трестинг 47-бригадасида ўзбек ишчиларидан 43 нафари 1943 йилги режани ортиги билан бажарган.

Мақоми ҳарбий аскарга тенглаштирилган “Қуролсиз аскарлар”имиз ҳақиқий меҳнат кучи, ақлу заковати ва ватанга бўлган муҳаббати туфайли Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб ҳисса қўшганлар.

Эндиликда ана шу юртдошларимиз тарихи ва тақдирини ўрганиш ва тарих зарварақларига битиш биз тарихчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

этибор қаратгудек бўлсак, унда: «Отамни хон сифатида, онамни эса хотун сифатида эъзозлаб кўкка кўтарган осмон: "Турк халқининг исми ва шон-шарафи сўнмасин!", Қабилаларини берган осмон (хоннинг ҳукмронлиги остига) (бу сафар ҳам): «Турк халқининг номи ва шон-шухрати сўнмасин» деди: "Бу исм йўқ бўлиб кетмаслиги учун ҳам осмон мени кўтарди (ва хон қилди)» [1:23], - деган ҳикматлар мавжуд. Ушбу битиклар шавкатли турк элининг абадиётга дахлдор эканлигини, самовий руҳлар турк етакчиларини доимо қўллаб-қувватлаб келиши ифтихор ҳисси билан қайд этиладики, ушбу сатрлар бугунги кунда ҳам тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, тарихий тафаккурни юксалтириш орқали ифтихор туйғусини, фахру ғурурни, ватан ва эл тақдири учун масъуллик ҳиссини юксалтиради. Зеро, муайян элнинг муваффақияти шахсий омил билан, яъни етакчининг маҳорати билан боғлиқ: «Фалакдай Тангри яратган Турк Билга ҳокон сўзим: отам турк доно ҳокони тахтга ўтирганда тўққиз ўғуз қаҳрамонлари, унинг машхур беклари ва унинг халқи хурмат кўрсатдилар.Ўн етти ёшимда Тангут тарафга

лашкар тортдим... Ўн саккиз ёшимда Олти чуб суғдак томонга қўшин тортдим, халқини тор-мор қилдим... Йигирма икки ёшимда Табғач томонга лашкар тортдим.... Тангри ёрлақгани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, Турк халқи ғалаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, Турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди» [2:136-137]. Албатта, муайян халқнинг ғалабасида ҳамда зафар қучишида сиёсий-ҳарбий етакчининг ўрни бекиёс. Ушбу жиҳатлар:

1. Ижтимоий-сиёсий жараёнларда муайян халқ, миллат, эл ва элат муваффақиятини таъминлаш бевосита сиёсий-ҳарбий етакчининг раҳбарлик маҳорати ва қобилияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини;

2. Эл буюк бўлиши учун – унинг йўлбошчиси буюк бўлиб, ҳарбий-сиёсий иродани ўзида тўлиқ мужассамлаштириши лозим. Зеро, муайян халқ ва элнинг муваффақияти бевосита сиёсий раҳбарнинг ташкилотчилик қобилияти билан алоқадор бўлиб, бошлиқдаги ҳислат ва хусусиятларнинг аксарияти элнинг кундалик фаолиятида мужассамланиши;

3. Шерурак баҳодир бошқарган қўшин ғалабани қўлга киритиши муқаррарлиги, сувурак етакчи бошқарган қўшин парокандаликка юз тутиб, мағлубиятга йўлиқиш эҳтимоли кучлилигини билдиради.

Маълумки, тарихий тафаккур аждоғларимиз томонидан ижтимоий-тарихий тараккиёт шароитида яратилган моддий ва маънавий бойликларнинг инсон ёки муайян гуруҳ онгида акс этиб, намоён бўлиб, эл ва юрт манфаатлари йўлида хизмат қилиш иштиёқининг устуңлик даражада намоён бўлишидир. Шу боис, ҳар бир шахсда тарихий тафаккур ўзлигини англаб, тарихий қадриятларига содиқ бўлиб, элпарварлик ва ватанпарварлик ҳислатининг тафаккурда мустаҳкам қарор топишидир. Тарихий тафаккур ижтимоий онда ворисийлик хусусиятини ривожлантиради. «Янги аср, янги минг йиллик, дунё манзарасининг ўзгариши, инсон эволюцияси трансформацияси, илмий парадигмаларнинг алмашишуви ҳам ижтимоий, ҳам гуманитар билимларга, ҳам билиш усулларига из қолдирди ... Шажаралар, маданият, менталитет ва тарих фалсафасига қизиқиш ортиб бормоқда. турли цивилизациялар ва маданиятлар, уларнинг дунё цивилизацияси ва тарихий жараёнидаги ролли объектив акс эттиришга мойиллик кузатилмоқда» [3: 145-146]. Тафаккурда юз бераётган бундай эврикалар шароитида ҳар бир шахс ўзининг ўтмишига ҳурмат ва эҳтиром асосида муносабатда бўлиши такозо этилади. Шунингдек, тарихий тафаккурда маданий ёки маънавий меросга мансубликни ифодалашда ҳар бир ижтимоий-тарихий даврга хос бўлган йўналтирувчи ғоя зарурий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий-тарихий тараккиёт давомида тафаккурда элпарварлик ва ватанпарварлик ҳислатлари ривож бевосита ушбу омил билан боғлиқ.

Гарчи илмий доираларда турклар ҳақида кўчманчи дейиш фикри устувор аҳамиятга эга бўлсада, туркларнинг тарихий сахнага кўтарилиши бир томондан йилқичилик маданияти, яъни йилқиларни қўлга ўргатиб, учқур ҳарбий восита сифатида ҳар қандай рақиб қароргоҳини яқсон қила олиш имкониятларини юксалтирганлигида бўлса, иккинчи муҳим омил металл ишлаб чиқариб, ҳарбий жабҳада қурол-яроқ сифатида фойдалана билиш салоҳияти билан ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Манбалардан маълумки, Олтой кенгликлари қадимда турклар темир, мис, олтин қазиб олишиб, эритиб, безаклар, тақинчоқлар, меҳнат қуроллари яшаш билан бир қаторда улардан қурол-яроқлар ҳам ясаганлар. Олтой, Хакасия, Тува, Минусинск хавзалари қадим

замонлардан бери металл ишлаб чиқариш билан машхур бўлиб, туркий илдизлар бевосита ўша ҳудудлар билан боғлиқ. Тарихнинг муайян палласида, яъни VI-асрнинг бошларида турклар темир буюмлари билан жужанларга солиқ тўлаган бўлсаларда, бевосита от ва темирнинг имкониятлари билан жужанларни мағлуб этиб, нафақат уларнинг асоратидан, балки жужанларни ўлпон тўлашга мажбур этиб, Евроосиёнинг бепоён кенгликларида мустақил ҳоконлик тузишга эришдилар. Шу боис, руник ёзувлар ҳисобланган Ўрхун-Енисей ёдгорликлари моҳиятини тарғиб этиш муҳим.

Турк рунологиясини ўрганиб, ундаги ғояларни тарғиб этиш механизмлари сифатида қуйидагиларни илгари суриш мумкин.

1. Туркий халқлар аждоғларига хос бўлган тошбитиклардаги элсеварлик, ватанпарварлик, умуман ўзаро бирликни таъминлаш ҳақидаги ғоялардан жамият аъзолари, хусусан ёшларни тарбиялашда дўстлик ва қон-қариндошлик хусусиятларининг устувор моҳиятидан фойдаланиб, улар тафаккурини бойитиб бориш.

2. Тарғибий ишларни кенгайтириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида оила, маҳалла, тарбия ва таълим муассасалари ҳамда қуролли кучлар сафида умумтуркий ҳислатлар эътирофи билан бир қаторда умуминсоний қадриятларга содиқлик ҳислатларини ривожлантира бориш, бунинг учун табиийки, тафаккурда яхши қўшничилик, дўстлик ва қон-қариндошлик ҳислатларининг барқарор моҳиятини таъминлаб бориш.

Шунинг билан биргаликда турк рунологиясида битилган тарихий ғоялар асосида миллий ва умумтуркий тафаккурни юксалтириб, амалий аҳамиятга эга бўлган ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳамжиҳатликни таъминлашда қуйидаги жиҳатлар муҳимдир:

1. Туркий ёзувларнинг энг қадимий шакли турк руналаридир. Ушбу алифбо Битиг ёки Орхун-Енисей алифбоси деб номланиб, эл ҳаётига оид тарихий маълумотларни қамраб олади. Тарихий манбалар Олтой ҳудудини туркий халқлар аждоғларининг этник шаклланиш ва консолидациялашуви жараёнида муҳим роль ўйнаганлигини тасдиқлайди. Шу билан биргаликда туркий халқларга хос кўчманчилик, ва бундай кўчманчилик билан ҳамоҳанг пассионарлик хусусияти туркийларни Евроосиё кенгликлари бўйлаб фаолиятини таъминлади.

2. Туркий халқлар аждоғлари фақатгина кўчманчилик асосида кун кечирмасдан, ўтроқ ҳаёт тарзига эга бўлиб, темир қазиб, ундан фойдаланиш, ғалла экиш каби ўтроқ турмуш тарзига хос жиҳатлар ҳам туркий тарих билан боғлиқки, ушбу ўтроқ маданият туркийларни кўчманчилик ва ўтроқ маданиятларни бирлаштирувчи ўзига хос туркий цивилизация яратувчилари сифатидаги ўрнини далиллайди.

Туркий халқлар учун умумий бўлган маданий мерос, чунончи «Алпомиш», «Гўрўғли», «Манас», «Чамбил қамали», «Қирқ қиз» ва ҳ.к. дostonлар тарғибига асосий эътибор қаратиб, унда туркий халқлар учун умумий бўлган жиҳатларга урғу бериш. Зеро, қирғизлардаги миллий эпик қаҳрамон Манасни Алп Манас ҳам дейишади, агар шундай бўладиган бўлса у Алпомишга яқинлиги ва ҳатто бир персонаж эканлиги ҳам тарихан шаклланиш жараёнида бир бўлган туркий халқларнинг маънавий мероси ҳам умумийлигини тасдиқлайди. "Алпомиш ботир" дostonида қозоқлар ва қорақалпоқлар уни "Алпамис", ўзбеклар уни "Алпомиш" деб аташади, бошқирлар уни "Алпамиш ва Барчин Сулуу", татарлар уни "Алпамша", Олтой уни "Алп Манаш", қирғизлар "Манас" деб аташади. Ушбу дostonнинг барча вариантларида (Ўғуз, Қўнғирот, Қипчоқ) дostonнинг пайдо бўлиши вақти тилга олинмаган. Бироқ, дoston Дашти-Қипчоқда пайдо бўлган ва ривожла-

нганлиги аник» [4]. «Хасан Поксой ҳам бошка бир қатор тадқиқотчилар каби "Алпомиш" достони Ўрта Осиёда туркий халқлари томонидан яратилганлигини кўплаб далиллар билан исботлашга ҳаракат қилган. Хасанбекнинг аниқлашига кўра, Ўрта Осиёдаги ҳар бир туркий халқ "Алпомиш"нинг энг қамиди бир неча вариантга эга бўлиб, бу ҳол достон туркий халқлар бўлиниб кетмасидан олдин яратилганлигини исботловчи далилди. "Алпомиш" илк алп достондир. Бошка бир Ўрта Осиёда туркий достони "Алпомиш" каби буюк бирлаштирувчи, туркий халқларнинг ўзлигини ифодаловчи хусусиятга эга эмас» [5].

Умумтуркий тафаккурнинг оптимал ривож таъминланаётган бугунги кунда халқларимиз орасида ягона илдизга мансублик ҳиссини юксалтириш маъсулиятини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаси сифатида майдонга чиқмоқдаки, ушбу жиҳат турк рунологиясидаги ғоялар тарғибини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу жиҳатлар туркий халқларни, хусусан ёшларнинг ижтимоий-маданий фаолиятини ўзаро умумийликка эришиш сингари муайян мақсад сари йўналтиришни муҳим вазифа сифатида қўяди.

Бугунги кунда тарихий тафаккурнинг юксалишида турк рунологиясининг ўрни каби масалаларни тадқиқ этиш умумтуркий тарихий муаммолар ечимида оптимал моҳият касб этиши билан бир қаторда туркий халқлар орасида азалий қариндошлик ҳамда дўстлик ришталарининг янада мустаҳкам бўлиши учун ретроспектив характердаги тадқиқотлар қўламини кенгайтириб, тадқиқотчилар орасида илмий-назарий шарт-шароитларни яратиш боради. Айниқса, қадимий тошбитикларда эл бирлиги муаммолари, ўзаро яхлитликни таъминлашда турк рунологиясидаги ғоялар талқини, хусусан элпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари

тарғиб – ўзининг тарихий аҳамияти билан бир қаторда бугунги кунда ҳам туркий халқлар мансуб бўлган жамият аъзолари орасида юқорида таъкидланган ғоялар тарғиб ва тарбиясини таъминлайди.

Демак, инсоният мавжуд экан ўзининг шаклланиш жараёни ва бу жараёнда инсон сифатида тадрижий такомил босқичларини, маънавий интеллектуал омилларни ўрганишга эҳтиёж сезиб, ақлу заковатини ушбу мақсад сари йўналтира боради. Зеро, тафаккур доимо ўзининг бошланғич нуқтасини қўмсаб, унга интилган сари чарчланиб бораверади.

Умуминсоний таракқиётда муҳим ўрин тутувчи туркий халқлар маданий ривожланиш босқичлари бевосита моддий маданият намуналари билан бир қаторда маънавий маданият намуналарини ҳам қамраб олади. Моддий маданият намуналари – тарихий иншоот, обидалар, ёдгорликлар, шунингдек моддий оламда мавжуд бўлган реал воқелик назарда тутилса, маънавий маданият – тафаккур таракқиётини таъминлашга хизмат қилувчи ёзма ва оғзаки ижод намуналарини қамраб олади. Шу боис, турк рунологиясини ўрганишнинг тарихий-ретроспектив асослари, турк рунологиясининг аҳамиятини тарғиб этиш муҳим. Зеро, турк рунологиясининг тарихий тадқиқи аجدодларимиз босиб ўтган шарафли ва синовли йўлнинг бир текисда кечмаганлиги, бугунги миллий маънавият ва ғоявий баркамоллик ибтидоси табаррук боболаримиз томонидан солинган сўқмоқларга бориб туташиши – барчамизни маънавий қадриятларимизга эҳтиромона муносабатда бўлишимиз билан бир қаторда тарихий-тарбиявий жиҳатларини тадқиқ этган ҳолда турк суперэтноси вакиллари, хусусан туркий ёшлар орасида тарғиб қилишни тақозо этади.

Адабиётлар

1. Радлов В.В., Мелиоранский П.М. Древне-тюркские памятники Кошо-Цайдам. – Санкт-Петербург: Типография императорской Академии Наук, 1897. – С. 23.
2. Отаули. Билга ҳокон достони. – Тошкент: «O'zbekiston», 2015, 136-137-б.
3. Народ в потоке истории. Научная серия /Составители Т.Шанбай, А.Ибраева. – Астана: «Фоллиант», 2014. – С. 145-146.
4. Мұхамбетқарим Қожирбайұлы. Қазақ рулары Латын Америкасының негізін қалады. Интернет материал Abai.kz
5. Исмагуллаев Хайрулла. Зарварақлар: "Алпомиш" - туркий халқлар мероси/ BBC News 29 июль, 2015. Интернет материал.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Том 8. - Тошкент: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси», 2004, 274-б.
7. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркское государство в VI-VIII веках. – Екатеринбург: Изд-во Урал.Ун-та, 2006. – С. 124.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада қадимги турк ёзуви бўлган Ўрхун-Енисей ёзма ёдгорликлари, унинг моҳиятини талқин этишнинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Ёзув мантларидан мисоллар келтирилиб, уларнинг мазмунига эътибор қаратилади. Турк рунологиясини ўрганиб, ундаги ғояларни тарғиб этиш механизмлари илгари сурилиб, тарихий ғоялар асосида миллий ва умумтуркий тафаккурни юксалтириш ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлаш аспектларига урғу берилади. Шунингдек, турк рунологиясини ўрганиш ва тарғиб этишнинг истиқболли қирралари тадқиқ этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье Орхон-Енисейские письменные памятники, рассматриваются как древнетюркская письменность и указывается на важности современной интерпретации её сущности. Приводятся примеры из надписей и уделяется внимание на их содержание. Делается упор на механизмы пропаганды идей тюркской рунологии, делается акцент на аспекты повышения национального и общетюркского мышления и обеспечения взаимопонимания на основе исторических представлений. А также исследуются перспективные аспекты изучения тюркской рунологии.

SUMMARY

The article considers Orkhon-Yenisey written monuments as ancient Turkic writing and points out the importance of the modern interpretation of its essence. Examples from inscriptions are given, and also attention is paid to their content. Emphasis is placed on the mechanisms of promoting the ideas of Turkic runology, focusing attention on the aspects of increasing national and common Turkic thinking and ensuring mutual understanding based on historical ideas. It also explores the promising aspects of the study of Turkic runology.